



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 1 апрель ● сешанба ● № 15 (574) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

● 2008 йил — Ёшлар йили

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!



"Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан Адлия вазирлигида ҳам махсус тармоқ дастури ишлаб чиқилди ва вазирлик бошқармалари, тегишли муассасаларнинг мазкур

йўналишдаги фаолияти белгиланди.

Маълумки, Давлат дастурида белгилаб қўйилган вазифалар моҳиятида Ватанимиз тараққиёти, халқимиз келажаги, эртаси ҳақида қайғуриш,

ғамхўрлик қилиш ғояси сингдирилган.

Ёшлар ҳуқуқини шакллантиришга асосланган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш, маънавий жиҳатдан етук, халқимизнинг

қадим урф-одатларига содиқ авлодни вояга етказиш, ёшларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик ва бақувват қилиб улғайтириш, ёш оилаларга кўмак бериш ва ҳоказо йўналишлар юзасидан ишлаб чиқилган дастур

бўйича Адлия вазирлигига тегишли бошқарма ва муассасаларда ҳам амалий ишлар режаси ишлаб чиқилди. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот бериб борамиз.



● Эътироф

"Amnesty International" Ўзбекистоннинг қатъий нуқтаи назарини юксак баҳолади

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига "Amnesty International" ташкилотининг халқаро ҳуқуқ ва халқаро ташкилотлар бўйича дастури директори Мартин Макферсондан мактуб келди.

Унда муаллиф БМТ Бош ассамблеяси томонидан 2007 йил 18 декабрда қабул қилинган "Ўлим жазосининг қўлланилишига мораторий жорий қилиш" (62/149 рақамли) резолюциясини қўллаб-қувватлагани учун "Amnesty International" ташкилоти номидан Ўзбекистон Республикаси Хукуматиغا миннатдорлик билдирган.

Мактубда таъкидланишича, жаҳоннинг барча географик минтақаларидан 87 аъзо давлат БМТнинг 3-қўмитасида мазкур ҳужжат ҳаммуаллифларига айланди. 2007 йил декабрда ўтган ялпи мажлисда 104 мамлакат резолюцияни ёқлаб овоз берган эди. У ўлим жазоси ҳамон сақланиб келаётган давлатларни, "ўлим жазосини ижро этилишига мораторий жорий қилиш ва кейинчалик эса уни бутунлай бекор қилиш"га чақиради.

"Amnesty International" ташкилоти ушбу резолюциянинг БМТ ассосий органи томонидан қабул қилиниши ўлим жазосининг бекор қилиниши йўлидаги муҳим қадам бўлганига ишонч билдирмоқда.

2008 йил 28 февраль ҳолатига кўра, жаҳоннинг 135 мамлакатаи қонун йўли билан ва амалда мазкур жазо турини қўллашдан воз кечган. Ушбу резолюция ўлим жазоси ҳали ҳам амалда ижро этилаётган мамлакатларни олий жазо чораларини қўллаш борасидаги қонунларини қайта қўриб чиқиб, шу йўл билан уларни халқаро андазаларга мослаштириш, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар сонини камайтириш, ўлим жазосига мораторий жорий этиш масаласини миллий институтларда ва фуқаролик жамияти орасида муҳокама қилишда муҳим воситадир.

Мактуб якунида М.Макферсоннинг таъкидлашича, "Amnesty International" Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш йўлидаги қадам сифатида бундай жазо турлари билан боғлиқ ҳукмлар ижросида жаҳоннинг барча мамлакатларида мораторий жорий қилинишига эришиш борасидаги ишларни давом эттиришга умид билдиради.

"Жаҳон" АА

● Мактуб

МИННАТДОРМИЗ

Дунёда яхши инсонлар, ўз касбининг фидойи кишилари доим одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Айниқса, ҳуқуқи тикланган киши бундай олижаноб инсонлардан бир умр миннатдор бўлиб яшайди.

Тўрт фарзанднинг онасиман. Оиламизга раҳматли умр йўлдошимдан мерос қолган уйни ноқонуний равишда олиб қўймоқчи бўлиб қанча оворагарчилик, сарсонликлар келтиришди. Чикарилган нотўғри қарор ва ажрим ўз уйимизга бўлган ҳуқуқимиздан деярли айирган эди. Шу туфайли бу орада саломатлигимни ҳам бироз йўқотдим. Барибир қонунларимиз ва қонун ҳимоячиларига бўлган умид, ишончим асло сўнмади. Тошкент вилояти прокуратурасига ана шу умид ва ишонч билан ариза ёздим. Вилоят прокуратураси бу масалани чуқур ўрганиб, адолатли ҳал қилди. Вилоят прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими қонун бизни ҳимоя қилишига кўмаклашди. Вилоят прокуратураси томонидан киритилган протест асосида адолат қарор топди.

Ўз касбига содиқ кишилар борлигидан қанча қувонганимизни таърифлаш қийин. Шундай инсонлар кўпайсин ва доимо омон бўлишсин. Улар бизни қонунга, адолатга, ҳаётга нисбатан ишончимизни орттирди.

Олтиной ҚАХРАМОНОВА,
Янгийўл тумани

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

Фуқаро К.Худойбердиевнинг, С.Худойбердиев ва бошқаларга нисбатан қонуний чора кўрилмаётганлиги тўғрисида "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига йўллаган аризаси жиноят иши билан бирга ўрганиб чиқилди.

ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2007 йил 11 декабрдаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисми билан айбланган С.Худойбердиевнинг жиноят иши 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Ўрганишда, дастлабки тергов органи ва суд томонидан ишни кўриб ҳал этишда Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари

ҳамда жиноят-процессуал қонунини нормалари бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Шунга асосан С.Худойбердиевга нисбатан чиқарилган суд қарорининг қонунийлигини қайта кўриб чиқиш ва ваколати доирасида муносабат билдириш ҳақида Самарқанд вилояти прокуратураси топшириқ берилди.

Натижалари ҳақида ариза муаллифига ва сизга вилоят прокуратураси томонидан маълум қилинади.

П. НАЗАРОВ,
Республика Бош прокуратураси Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи в.б, адлия катта маслаҳатчиси

Сариосиё тумани прокуратураси томонидан фуқаро Т.Аннагельдиев ва бошқаларнинг "Инсон ва қонун" газетасига йўллаган аризаси ўрганиб чиқилди.

АРИЗА ЎРГАНИЛГАЧ...

Аниқланишича, Узун тумани, "Гулистон" кишлоқ фуқаролар йиғини, "Гулистон" маҳалласида яшовчи фуқаро Тўйчи Аннагельдиев, Рўзиқул Аннагельдиев, ва Мирмуҳсин Юлдошев 2007 йил июнь ойида "SEZON SERVIS SARSIS" МЧЖ билан шартнома тузиб, иш билан таъминлаш ҳақида жамиятга 225 минг сўм пул тўлашган.

Улар 2007 йил июнь ойида Россия Федерациясининг Москва шаҳрига бориб, ишга жойлашмасдан ноябрь ойида Узун туманига қайтиб келишган.

Туман прокурори томонидан ушбу мурожаат 2007 йил 20 декабрь куни туман ички ишлар бўлимига юборилган.

Аризани иш юритувиги олган туман ИИБ ЖК ва УЖКБ тезкор вакили К.Омантурдиев 2008 йил 20 февраль куни жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.



2008 йил 21 февраль куни тўпланган ҳужжатлар фуқаролар ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига юборилган.

2008 йил 10 март куни туман прокурори томонидан мазкур қарор барвақт ва ассосиз равишда қабул қилинган деб топилган ва шу куни жиноят иши кўзгатишни рад қилиш ҳақидаги

қарор бекор қилинган. Материал ва қарор қўшимча терговолди текшируви ҳаракатлари ўтказиш учун Сариосиё туман ИИБга юборилган ва бу ҳақда муаллифга ёзма равишда хабар қилинган.

А. НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ҚЎШИМЧА ТЕКШИРУВГА ЮБОРИЛДИ

З.Низамованинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси тўпланган ҳужжатлар билан бирга Тошкент вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2006 йил 6 апрель куни Оҳангарон шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи "Ҳожибаланд" канали ичидан 1960 йилда туғилган фуқаро Ильмира Аглиулинанинг мурдаси топилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Оҳангарон шаҳар прокуратураси томонидан терговолди текширув ҳаракатлари ўтказилиб, 2007 йил 1 февраль куни ЖПКнинг 83-моддаси, 2-бандига асосан жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида

қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор, терговолди текширув ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмасдан барвақт қабул қилинганлиги сабабли, вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, қўшимча терговолди текширув ҳаракатларини ўтказиш учун Оҳангарон шаҳар прокуратурасига юборилди.

У. СУННАТОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Бухоро шаҳар Т.Фароғий кўчаси, 71-уйда, 41-хонада яшовчи фуқаро Ҳакима Камолованинг жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди ҳукмидан норози бўлиб "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига йўллаган шикоят вилоят суди томонидан ўрганиб чиқилди.

ҲУҚМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Суд қарори вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати мажлисида 2008 йил 20 март куни кўриб чиқилди ва ноқонуний деб топилди, бекор қилинди. Мазкур иш янгида бошқа суд таркибига кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига юборилди.

О. ТЎРАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг раиси вазифасини бажарувчи



Тизим тадбирлари

НОТИҚЛАР ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИ

Адлия вазирлиги тизими ва унга қарашли муассасалар таркибида тузилган нотиқлар гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб, аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуда очик мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар олиб боришяпти. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейда ҳамда Тошкент ахборот технологиялари коллежиде Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган "Асосий мақсади — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузасида белги-ланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида, Тошкент авиация институтини қошидаги академик лицейда "Ёшларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва бурчлари" мавзусида, пойтахтимиздаги Боровский номидаги тиббиёт коллежиде "Ёшлар йили" Давлат дастурининг аҳамиятига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда етук ҳуқуқшунос мутахассислар мавзуга доир қизиқарли маърузалар ўқиш билан бирга ўқувчи ва талаба ёшлар билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Уларнинг ҳуқуқий мавзудаги кўлаб саволларига жавоб бердилар.

Дилором МАТКАРИМОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

САҲОВАТ САЙЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш Бош бошқармасининг Зангиота воёга етмаганларни қайта тарбиялаш муассасасида "Ассалом, Наврўз" номли байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни Бош вазир ўринбосари, Сенатор С.Инамова табрик сўзи ва самимий тилаклар билан очди. Кўклар таомлари билан безатилган дастурхон атрофида муассаса тарбияланувчилари ўз истеъодларини намойён этдилар. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН)нинг Тошкент вилояти минтақавий вакили, вилоят прокуратураси, "Камолот" ЕИХ туман кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан болаларга байрам совғалари топширилди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси эса ҳоимийлик ёрдамини кўрсатди.

Бу каби "Саховат сайли" болалар қалбиде эзгулик тушунарларини шакллантириб, келажакда ёруғ йўлларга етаклаши шубҳасиз.

Юлдуз УМИРХАНОВА,
вилоят адлия бошқармаси ходими

"XXI АСР ЁШЛАРИ" ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғиботи маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон бўлими Эллиққалъа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда "XXI аср ёшлари" маънавият клубини таъсис этдилар.

Клуб, гарчи, мазкур туман ҳудудида фаолият кўрсатса-да, ёшлар ўртасидаги маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар-қишлоқларига ёйди. Клуб Низоми ва дастурда белгиланган ташкилий ҳамда тарбиявий режаларни амалга оширишда муассасалар, айниқса, фаол ҳаракат қилишади. Улар тадбирлар ижроси билан боғлиқ юмушларнинг ақсарият қисмини ўз зиммаларига олишди. Ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий тарбия, қонун устуворлиги сингари қатор долзарб мавзу ва масалалар клуб иш режаси ҳамда дастурда асосий ўринни эгаллади. Дастлабки машғулотлар Президентимиз ташаббуси билан яратилган "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мақсади ва мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

"ЭНГ НАМУНАЛИ ФҲДЁ ХОДИМИ -2008" ТАНЛОВИ

Наманган агротадбиркорлик коллежиде "Энг намунали ФҲДЁ ходими — 2008" кўрик-танлови ўтказилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур танловда барча туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимларининг иш юритувчилари иштирок этишди. Иштирокчилар савол-жавоб, далолатнома ёзувларини тўлдириш, эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар. Якуний натижаларга қўра, Тўрақўрғон туман ФҲДЁ бўлими иш юритувчиси Дилором Мирдедаева танлов ғолиби деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Наманган шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими иш юритувчиси Нигора Абдурахманова ҳамда Наманган шаҳар 2-сонли ФҲДЁ бўлими иш юритувчиси Дилдора Қўчқороваларга насиб этди.

Ҳолибар вилоят адлия бошқармасининг қимматбахш совғалари билан тақдирландилар.

Кабира ТАЛАПОВА,
Наманган вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

МУХИМ КўЛЛАНМА БўЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги режасига биноан тадбиркорлик субъектлари ва назорат органлари масъул ходимлари иштирокида Кармана туманида ўтказилган семинар Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилган "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилмаган тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг моҳияти мавзуга бағишланди.

Анжуманда шунингдек, давлат мулкани бошқариш бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходимлари, банкларнинг раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Яшин ДУШАНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

● 2008 йил — Ёшлар йили

ЭРТАНГИ КҮН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Юртимизда иқтидорли ёшларни руҳан, маънан қўллаб-қувватлаш, уларга шароит яратиб бериш давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралади. Бундай узоқни кўзлаб қилинаётган хайрли ишлар ўз самарасини бераёпти. Юртимизнинг эртаси бўлган кучли авлод воёга етмоқда. Миллатнинг ишончи, ватанимизнинг дунё саҳнидаги мавқеини белгиловчи ёшларимизга қарата Юрбошимиз: «**Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники**», деб бежиз айтмадилар.

ОЛТИН ПОЙДЕВОР



Бекзод МУСАЕВ,
Президент стипендиати

Ёш ҳуқуқшунос сифатида мамлакатимиз қонунчилик тизимини чуқур ўрганиб чиқиш мубайнида шунга амин бўлдимки, мамлакатимиз қонунчилик тизимининг туб моҳияти инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши ҳамда муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Бир қатор ислохотларнинг ичида ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мазкур ислохотларнинг пойдевори мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб, босқичдан-босқич амалга оширилиши ҳам эътиборга моликдир. Энг асосийси, олиб борилаётган улкан ишларнинг барчаси ҳаётимизда ўз ўрнини топаётганлиги барчамизни қувонтириши табиийдир.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ




Отабек БОБОЖОНОВ,
Навоий номидаги давлат стипендиати

Юрбошимиз ўз давлатларида биз ёшларга ишонч ва суняишларини кўп бора такоррайдилар. Ишонч қонили, биз ёшлар уларнинг ишончларини оқламаймиз.

Чунки, бугун биз иштирок этмаган соҳа қолмади. Энг асосийси бугун жаҳон ҳам-жамиятида давлатимизнинг нуфузини оширишда ҳам ёшлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ёшлар жамиятини ҳаракатлантирувчи катта куч. Бу кучдан эса ўз навбатида катта масъулият талаб этилади. Бу масъулият бизнинг давлатимиз олдидаги бурчимиздир. Ҳар биримиз шу ишонччи оқлаган ҳолда, майли у кичик бўлсин хизматимизни қилайлик. Зеро, бу хизматимиз ўзимизнинг эртаси ва Ватанимиз равнақи йўлида қилинадиган муқаддас бурчимиз бўлиб қолади.

ЎЗ ЎРНИМИНИ ТОПДИМ



Али Акбар БОСИҚОВ,
Таъқвандо ва Хапкидо жанг санъати бўйича Осиё чемпиони

Устозим Дилшод Боймуродов курашга чиқишимдан аввал доимо ушбу сўзларни такорлардилар: "Юртни аввало ёшлар, яъни соғлом фикрли ва соғлом танли ёшлар химоя қилади."

Дарҳақиқат, биз ёшлар қанчалик ҳаракатчан, эгчил ва иқтидорли бўлсак, мамлакатимиз ҳам шунчалик равнақ топади.

Мен ёшлигимдан спорт мураббийси бўлман деб орзу қилар эдим. Шунда дўстларим кулиб, спортчи бўлиб нима ҳам топардинг деб, кинояли кулиб қўйишар эди. Мен эса бунга жавобан, "Мен нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам Ватаним байроғини юқорига кўтараман" дер эдим. Мана орзуларим рўёбга чиқди. Чемпион бўлдим. Мен спорт оламида ўз ўрнимни топдим.

Айтишди-ку, интиланганга толе ёр деб. Кимки ўз орзусига эришиш учун чин дилдан ҳаракат қилса, у албатта ижобат бўлади.

БУНДАН ОРТИҚ НИМА КЕРАК?!

Мактабда ўқиб юрган кезларимда хаёлан пойтахтимизда ўқиб, ўз билим ва ўқимчаларимни ошираман деб, тенгдошларим қатори ният қилардим.

Шу ниятда доимо аъло ўқишга ва изланишга ҳаракат қилар эдим. Вақт ўтиб, ғалвир сувдан кўтарилмаган пайт келганда, бошимга бахт кўши кўндими, билмайман, "Келажак овози" кўрик-танловининг "Бадий ижод" номинацияси бўйича ғолибликни кўлга киритдим. Ва йилнинг якунида шундай қувончли хабарни эшитдимки, бундан нафақат мен, балки бутун келажак овози тан-

лови ғолиблари ҳам қувондилар. Биз олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилиндик. Бу давлатимизнинг биз ёшларга йўналтирилган сийёсатининг ёркин тимсоли ва ғам-хўрлигининг намунасидир. Демак, ёшларга шунчалик эътибор қаратилмоқдами, биз ҳам ўз бурчимизни унутмайлик. Шу юрт бизники, унинг ҳар бир ери қадрли. Шу қадрли еримизни асраб-авайлаш, унинг қадрини бандан тутиш эса ёш авлоднинг вазифасидир.



Мансур ЖУМАБОВ,
"Келажак овози" танлови ғолиби

Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади

● Тадбиркорга тўсиқ бўлманг!

ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фойдалаштириш тўғрисида"ги ва 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан адлия органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий химоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармалари ходимлари ўз фаолиятларини юқоридеги қарор талабларидан келиб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

Мана, бир мисол, Жиззах вилояти адлия бошқармасига "FORA SEAFOODS" масъулияти чекланган ҳорижий корхона раҳбари Сулаймон Шахлан томонидан унинг манфаатларини хўжалик судида вакиллик ваколати билан таъминлашни сўраб ёзилган ариза ўрганиб чиқилди.

Аризада Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давлат бионазорати бошлиғи К.Обидов бошчилигидаги гуруҳ корхонада Ўзбекистон Республикасининг "Ов қилиш ва балиқ тутиш" қондаларига амал қилиниши юзасидан текшириш ўтказилганлиги баён этилган. Текширувчилар, гарчанд, корхонада бош директор ва унинг ўринбосари бўлмасда, эъриқ билан корхона ҳудудига кирганлари етмагандек, текшириш ўтказишга ружат берувчи ҳужжатларини тақдим этмаганлар. Улар корхонада юри-тилаётган "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"га текшириш тўғрисида ёзув киритмаган ҳолда корхонани тақиқланган ҳажмидаги балиқларни қабул қилиб, табиатга зарар етказган деб топилди, 77.625.000 сўм миқдорда жаримага тортиш ҳақида баённома ва қорон тўзганиларни ҳамда дўқ-пўписа билан қарорга имзо қўйдириб олганликлари баён этилган.

Мамлакатимизда изчил давом этаётган демократик ислохотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини кафолатловчи химоя институтлари шаклланиб, адвокатура тизими торабора такомиллаштириб бормоқда.

Биргина Тошкент вилоятида 1 та адвокатлик хайъати, 13 та адвокатлик фирмаси, 45 та адвокатлик бюроси фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 606 нафар фуқарога лицензия берилган бўлиб, улардан 294 нафари ҳозирда адвокатлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Амалдаги қонунларга қўра, адлия бошқармаси қошидаги малака комиссияси томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда вилоятда фаолият юритаётган адвокатура фаолияти мунтазам равишда ўрганилади.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-сонли ва 2003 йил 5 ноябрдаги 485-сонли қарорларига мувофиқ адвокатлик бюрolari, хайъатлари ва

ни химоя қилиб, давво ариза билан мурожаат қилинган.

Шунингдек, Давлат бионазорати бошлиғи К.Обидов ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, корхонанинг фаолиятини буткул тугатиш тўғрисидаги қарши давво аризаси билан Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилиб, айнан уша ҳолат бўйича ўзи томонидан табиатга етказилган зарар 77.625.000 сўм деб топилган бўлса-да, давво аризасида 1.162.500.000 сўм миқдордаги зарарни ундиришни сўраган.

Ушбу хўжалик иши бир йил мубайнида суд инстанцияларида кўри-лиши натижасида, корхонанинг бир маромда фаолият юритишига ҳалал берибгина қолмай, ҳатто Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 5 сентябрь кундаги ҳал қилув қарори билан Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давлат бионазоратининг қарши давво аризаси қаноатлантирилиб, ҳорижий корхона ҳисобидан 937 700 сўм миқдордаги зарар ундирилди белги-ланган. Мазкур суд томонидан 2007 йил 26 сентябрда ажрим чиқарилиб, "FORA SEAFOODS" ҳорижий корхонасининг сўм ва валюта пул маблағлари (бюджет ва бюджетдан ташқари, яъни ойлук иш хақи, жамғармаларга тўловлардан ташқари) хатлаб қўйилди.

Нихоят, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг Олий хўжалик суди касасига инстанциясига киритган шикоят кўриб чиқилиб, Давлат бионазоратининг ҳорижий корхонага нисбатан келтирган давво аризаси рад этилиб, корхонанинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи,
Тўлқин ЯНГИБОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

фуқароларнинг қонуний манфаатларини сидқи-дилдан химоя қилишдан иборат эди. Лекин ҳар қандай шарафли касб-нинг ўз масъулияти, ма-

қармасининг барча қақир-ва хатларига эътибор бермай келди. Шунингдек, ўрганиш давомида "Садокат" адвокатлик бюросининг ҳисоб қақармида 2004 йилдан ҳозир-ги кунга қақар ҳеч қандай пул маблағлари айланмаганлиги, 377,1 миң сўм, дебитор қарзи мавжудлиги аниқланди. 2007 йил 13 декабрда вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судига киритилган давво аризаси қаноатлантирилиб, амалдаги қонунларга қўра "Садокат" адвокатлик бюроси тугатилди.

Шунингдек, енгил-елпи ҳою-ҳавас, бемашаққат даромад илнжида С.Тўхтабоев томонидан

Бугунги кунда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Улар манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза этиш тамойиллари ҳам тўла ишлаб чиқилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликка оид Фармон ва қарорларнинг амалиётга татиқ этилаётгани тадбиркорлар фаолиятининг янада жадаллашувига замин яратмоқда.

● Семинар ҚОНУНЛАР АМАЛИЁТИ



Дарҳақиқат, ҳозирда ушбу қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушултириш борасида жойларда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Ундан кўзланган мақсад эса тадбиркорликни ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Сирғали туманида бўлиб ўтди. Унда тадбиркорликка оид Фармон ва қарорлар ҳамда жорий йилнинг биринчи январидан амалга киритилган янги тахрирдаги Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти йиғилганларга тушултириб берилди. Шунингдек, солиқ ставка-

ларига киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар, солиқ бўйича берилган имтиёзлар ҳамда тадбиркорликка доир масалалар юзасидан иштирокчилар берган саволларга жавоблар қайтарилди.

Семинар тадбирида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, солиқ идоралари, савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, ҳокимлик ҳамда корхона-ташкilotлар раҳбарлари ва тадбиркорлар қатнашдилар.

Аминжон САНАКЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Бекобод туманида ташкил этилган "Нур" адвокатлик бюроси ҳам худди шу йўсинда тугатилди.

Бугунги кунда адвокат

давр талабига мос, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини химоя қилувчи, ҳар қандай низо-ларни қонун доира-сида бартараф этишга кўмаклашувчи, эл-юрт хизматиға ҳамиша шай турган, юксак малакали ҳуқуқшунос бўлмағи даркор.

Тошкент вилояти адлия бошқармасига 2007 йил мубайнида адвокатларга нисбатан жами 37 та ариза ва шикоятлар келиб тушди, бу 2006 йилга қараганда 14 тага кўп.

Келиб тушган ва тасдиқланган ариза ва шикоятлар бўйича, Янгийўл шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Х.Солиҳовага интизоий жазо чораси сифатида огоҳлантириш берилди.

Бўстонлик тумани "Имкон" адвокатлик бюроси раҳбари Х.Ашировнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси 6 ойга тўхтатиб қўйилди.

Адлия бошқармаси ходимлари томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида мунтазам равишда семинар машғулотлар ўтказилиб, адвокатларга касб маҳорати ва маданияти, молия интизомига ва амалдаги қонунларга қатъий риоя этишлари юзасидан тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Гулсара ИСАХАНОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлими ўринбосари

● Адлия назорати СИЗ АДВОКАТСИЗ, БУНИ УНУТМАНГ!

фирмалари жойлардаги адлия бошқармаларига статистик ҳисобот топширишлари белгиланган. Лекин айрим шахсларнинг касб масъулиятсизлиги, амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилмаслиги оқибатида, уларнинг фаолияти узоққа қўзилмади. 2000 йилда Ш.Тоғамуродов Зангиота туманида яхши ниятлар билан, "Садокат" адвокатлик бюросини ташкил этди. Уз номи билан кўри-ниб турибдики, унинг мақсади эл-юртга садоқат билан хизмат қилиш,

шақатлари бор. Буни ундай олган инсонгина кўзланган мақсадиға эриша олади. Ш.Тоғамуродов эса ўзи ҳуқуқшунос бўла туриб, амалдаги қонунларга риоя этмади. У 2004 йилдан буён адлия бошқармасига статистик ҳисобот топширмади. Бошқарма ходимлари томонидан мазкур адвокатлик бюроси фаолияти ўрганилганда, юридик манзили доимо берк бўлиб, фаолият юритмаётганлиги аниқланди. Бюро раҳбарининг ўзи эса адлия бош-

қармасининг барча қақир-ва хатларига эътибор бермай келди. Шунингдек, ўрганиш давомида "Садокат" адвокатлик бюросининг ҳисоб қақармида 2004 йилдан ҳозир-ги кунга қақар ҳеч қандай пул маблағлари айланмаганлиги, 377,1 миң сўм, дебитор қарзи мавжудлиги аниқланди. 2007 йил 13 декабрда вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судига киритилган давво аризаси қаноатлантирилиб, амалдаги қонунларга қўра "Садокат" адвокатлик бюроси тугатилди.

Шунингдек, енгил-елпи ҳою-ҳавас, бемашаққат даромад илнжида С.Тўхтабоев томонидан

ЯШИЛ ДУНЁ

уни асраш, авайлаш биз учун ҳаётлийлик қадар заруратдир

Иккинчи мақола



Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвотот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда

Ўсимлик дунёсига оид муносабатлар кенг қамровли ва мураккаб тизимга эга эканлиги боис, бошқа ҳуқуқ тармоқлари, хусусан, фуқаролик, ҳўжалик, молия, маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳозирги кунда, жамиятда ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий маданиятни шакллантириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва тақдор этиштириш кўйидаги йўллар билан таъминланади:

— ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақдор этиштириш қондалари ва нормативларини белгилаш;

— Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар турларини муҳофаза қилишнинг алоҳида режимини белгилаш;

— ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;

— ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

— муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар барпо қилиш;

— ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақдор этиштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

— давлат экологик экспертизаси ўтказиш;

— ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

— қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Муҳофазага йўналтирилган қонун ҳужжатларининг асосий мақсади, биринчидан, ўсимлик дунёсига оид қонун талаблари асосида ўсимлик дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, иккинчидан, ўсимлик дунёсига оид ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш, учинчидан, ўсимлик дунёсидан фойдаланувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш ор-

қали ижтимоий адолатни таъминлашдан иборатдир.

Фан-техника тараққиёти юксалган ҳозирги асримизда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **бизнинг муштарак бурчимиз она заминимиз ва ундаги илоҳий неъматларни келгуси авлодга муносиб тарзда қолдиришидир.** Зеро, амалдаги тегишли қонунлар ижросини таъминлаш экологик маданият билан узвий боғлиқдир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш экологик маданиятни шакллантиришни талаб этади. Чунончи, ёшларда табиатга меҳр уйғотувчи фильмлар яратилиш, ўрта мактабларда ва олий ўқув юрларида экология муаммолари бўйича билимлар бериш, радио, телевидениеда чиқишлар (лекция, суҳбатлар) ўтказиш ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифаларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ, ТДЮ магистранти

Ўтган йил сўнггида Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланиб, шу йилнинг 1 январидан қучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқчилар учун ҳам жуда муҳим қулайликлар яратди.

ИМКОНИАТ

ЯНГИ КОДЕКС ИСТИҚБОЛЛАРИ

2008 йил 1 январга қадар амалда бўлган Солиқ кодексига солиқ солиш тартибига кўпроқ ўрг берилган бўлса, 392 моддадан иборат янги таҳрирдаги Солиқ кодексига нафақат солиқ солиш масалалари, балки солиқ тизимида қўлланиладиган барча тушунчалар кенг ва аниқ ифода қилинган. Жумладан, Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, солиқ мажбуриятини бажариш бўйича давво қилиш мuddати, солиқ ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш тартиби, юридик шахс туғатилганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, ортиқча тўланган солиқ суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариш, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш мuddати, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари, солиқ назоратининг шакллари, нақд пул тушуми хронометражи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, солиқ сирри каби ўта муҳим масалалар тушунарли тарзда ёритиб берилган.

дорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мўлка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 10 кун ичида;

— сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида;

— Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар тегишлича кўчмас мўлк ижараси шартномаси тасдиқланганлиги ва ижара миқдори, шунингдек, меърос қилиб олиш ёки ҳада тарзида фуқароларнинг мўлкага ўтаётган мол-мўлк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай;

— бошқона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилишлари шарт.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Солиқ кодексига солиқ текширувлари ва уларнинг турлари, солиқ текширувлари ўтказиш мuddатлари ҳамда даврийлиги, солиқ текширувларини ўтказиш тартиби, солиқ текширувлари натижаларини расмийлаштириш, молиявий санксизмат ва уларни қўллаш тартиби, давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш ҳуқуқи ва шикоят бериш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, олдинги Солиқ кодексини қўлашда бир қанча қонун ости норматив ҳужжатларидан фойдаланишдек мураккабликлар мавжуд бўлган бўлса, янги Солиқ кодексига соҳага оид барча тааллуқли норматив ҳужжатлар ўз аксини топган.

Бу, албатта, мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотларнинг сезиларли самараси десак, бўлади.

Бўрибой ИБРОҲИМОВ, Янгийул тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Болалар ҳуқуқларининг ижтимоий жиҳатдан ишончли тарзда, изчил ҳимоя этилишини таъминлаш давлатимиз сийбсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш, келажак авлодга ғамхўрлик қилиш масалаларини ўз ичига олган чора-тадбирлар дастури изчиллик билан амалга оширилди, десак хато бўлмайди. Бу соҳадаги ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти ҳамда етакчи халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳола-наётганлиги ҳам бежиз эмас.

2008 йил 7 январь кунини қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоя этиш йўлидаги давлатимиз сийбсатининг узвий давоми бўлди, десак янглишмаймиз.

Ушбу Қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш давлат сийбсатининг устувор вазифаси эканлиги белгиланиб, бола ҳуқуқи кафолатлаши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини ижтимоий таъминлашдаги ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган.

Мазкур Қонунга асосан давлат болаларнинг барча шакллардаги камситилишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бундан ташқари, Қонунда ма-

Талаба талқини

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

ҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошираётган бошқа ташкилотларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилган.

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза этишининг ҳуқуқий базаси БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси нормаларини тўла-тўқис ўзида акс эттирилганлигини ташқари, она ва бола ҳуқуқлари ҳимоясини бирмунча кенгайтирмоқда. Чунончи, БМТ Конвенциясига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили мuddати ўн икки ҳафтани ташкил этиши лозим бўлса, Меҳнат кодексига биноан аёлларга бир юз йигирма олти календарь кунини мuddати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, бўлажак оналар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар амалга оши-



рилмоқда. Мустақиллик йилларида она ва болани ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шаклланди.

Бу ислохотлар, албатта, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлган Ўзбекистоннинг эр-

таси буюк эканлигини таъмин этадиган омил бўлиб хизмат қилади.

Икром ЭҒАШЕВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети талабаси

Биласизми?

БОШҚАЛАРГА ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИК

Ўз ҳуқуқларини суиистеъмом қилмасликдир

Фуқаролик кодексининг 11-моддаси фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини белгилаб берган.

Унга кўра, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўйидаги усуллар билан амалга оширилади: ҳуқуқни тан олиш орқали; ҳуқуқ бузилишидан аввалги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки уни қўриқиб қолиши ҳақидаги турдирадиган ҳаракатнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; тадбиркорнинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши; қонун ёки шартномадан келиб чиқадиган бурчнинг аслича (натура шаклида) бажаришга мажбур қилиш; зарарни тўлатириш; маънавий зарар, зийнни қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини низоларни қўришда суд томонидан қўлламаслик ва тадбиркорнинг фуқаролик ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқа усуллар билан ҳам ҳимоя қилинади.

Юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларининг қонунда белгилаб қўйилганлиги ҳуқуқий бузилган фуқарога ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишининг айнан ўзига мажбур бўлган ана шу аниқ бир усулини танлаб олиш имкониятини беради.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини қўйидаги ҳақиқат асосида амалга ошириш ҳамда судга мурожаат қилмасдан амалга ошириш; ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг суднинг иштирокисиз, яъни ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усули билан амалга оширилади.

Мазкур ҳужжатни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат этиш учун асос бўлиб қабул қилинган ҳужжатнинг қонунга, қонун ҳужжатларига ва мулкдор-фуқаронинг қонун билан ҳимояланган манфаатларига хилоф бўлиши ҳисобланади. Қабул қилинган ҳужжатни бекор қилишнинг сўраб судга мурожаат қилишнинг аниқ асоси — бу, актининг ваколати бўлмаган идора томонидан қабул қилиниши ҳисобланади. Ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги аризонани қўриб чиқишда суд ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топади, бу ҳолат эса ҳужжатнинг юридик қучини, аҳамиятини йўқотганлигини тасдиқлайди.

Абдурашул МАДРАҲИМОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси

Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини, соғлом ва беркам авлод тарбиясига ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келинади. Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ва ушбу Фармонини ижро этишга оид Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қатор қарорлар, Давлат дастурлари бу соҳага эътибор ва ғамхўрлик йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Навоий вилояти филиали вилоят тиббиёт муассасалари билан бир сафда, ислохотлар самарадорлигини оширишга ҳизмат қилмоқда. "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга асосан ишчи ташкил этган институт филиали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борисид атарли ижобий натижаларни қўлга киритмоқда.

Жумладан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича 2770 та маъруза, 57 447 та суҳбат, радио орқали 6 та суҳбат, 144 та савол-жавоб кеча уюштирилди. 2189 донна санбюллетенлар чикарилди. 63 та саломатлик бурчаги ташкил этилди. Республика, вилоят, туман ҳамда тармок газеталари орқали мақолалар чоп этилди. Видео ва кино намоишлари, телекўрсатувлар тайёрлаб эфирга узатилди. Бундан ташқари, юқумли касалликларнинг олдини олишга доир бир қатор тадбирлар ўтказилди. Маълумки, қон — бу жон демакдир. Шу боисдан ҳам беғараз донорлик бўйича тарғиб ишлари филиал ходимларининг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Барча туман ва шаҳарларда ташкил этилган "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш", "Скрининг марказларининг вазифалари", "Йод танқислиги ва унинг асоратлари", "Болаларда диарея касаллигининг олдини олиш" мавзуларида суҳбатлар ўтказилган бўлса,

Мамлакатимизда ҳар бир шахннинг касб танлаш, адолатли меҳнат шариоитларида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу борада, айниқса, ёшларга бир қатор имтиёзлар яратилган.

Эътибор

МЕҲНАТ СОҲАСИДА ЯРАТИЛГАН ИМТИЁЗ

Чунончи, Меҳнат кодексини бу борада ҳуқуқий-норматив мезон бўлиб ҳисобланади. Мазкур Кодекснинг 2-боби ёшларга яратилган имтиёз ва имкониётларга бағишланган бўлиб, "Ёшлар учун қўшимча кафолатлар" деб номланади. Зеро, ушбу бобда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар, уларга йиллик меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш вақтининг мuddати аниқ белгилаб берилган. Зотан, 239-моддада "Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибда маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиш шарт. Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишнинг рад этиш тақиқланади ва бундай рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин"лиги эътироф этилган. Мазкур моддадан шу нарса англашиладики, мамлакатимизда вояга етмаганлар меҳнат соҳасида катталар билан тенг ҳуқуқларга эга. Бунда меҳнат қилиш истагида бўлган ҳар бир ўспирин ҳеч бир эътирозсиз ишга қабул қилинади ва белгиланган тартибдаги имтиёزلардан фойдаланади. Яъни 240-моддада кўрсатилганидек, "Ўн саккиз ёшга тўлмаган

да тутилган. Бу эса, албатта, ёш авлодининг меҳнатга бўлган иштиёқини оширади. Бундан ташқари, мазкур Кодексда ишчи таълим билан қўшиб олиб бораётган шахслар учун ҳам бир қатор имтиёزلар мавжуд. Жумладан, 248-моддада "Ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишга қайтаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқийётган ходимларга ишчи таълим билан бирга қўшиб олиб беришлари учун иш берувчи зарур шариоитлар яратиб бериш шарт"лиги таъкидлаб ўтилган. 249-моддада "Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув жамини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш вақтининг шариоитида ишлаш ва бошқа имтиёزلар олиш ҳуқуқига эгадирлар", дея белгиланган. Мазкур моддадаги имтиёзлар ишчи таълим билан қўшиб олиб бораётган шахслар учун фойдага қулай имкониётлар яратади, бу эса тўлақонли билим олиш ва малакали кадр бўлиб етишишга хизмат қилади.

Меҳрибон АББАСОВА, Адлия вазирлиги масъул ходими

Шуни ҳам айтиш жоизки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан иш туғишга ҳодимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зийн етказиши мумкин бўлган меҳнат шариоити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди". Бинобарин, 245-моддага мувофиқ, "Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланиши" назар-

институт ва коллеж, лицей талабалари ўртасида "Усмирларда эндемик бўқоқнинг олдини олиш", "Оилада соғлом фарзандни вояга етказиш", "Усмирлар гигиенаси" мавзуларида савол-жавоб кечалари мунтазам давом этмоқда.

Бугунги кунда муҳим мавзулар-

шилаш йўлида ҳар бир фуқаро масъулигини ошириш муҳимлигини инобатга олиб, тиббий ижтимоий патронаж олиб борувчи тиббий ходимлар учун кенг қамровли, ихчам дастуриламал бўлувчи услубий қўлланма яратилди. Бу рисолада тиббий ижтимоий патронажнинг мақсад-моҳияти ҳамда бир қатор касалликларнинг олдини олишга қаратилган масъалалар таъкидланганлиги ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида инсон саломатлигини асосий мезон сифатида ўзида акс эттирган дастурлар қабул қилиниши, "Соғлом она — соғлом бола" ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, оналик ва болаликка ғамхўрликни қучайтиришга доир тадбирлар замирида инсон саломатлигини, биринчи галда, соғлом авлод орзуси ўз ифодасини топганлиги кўриниб турибди. Зеро, инсон бахти — саломатликда.

Санокул ХУДОЙҚУЛОВ, Саломатлик ва тиббий статистика институти Навоий вилояти филиали директори

ИНСОН БАХТИ — САЛОМАТЛИКДА



дан бири "Бойитилган унинг аҳамияти" Миллий давлат дастури бўйича аҳоли ўрта-маҳалларда, мактабларда ўтказилган тадбирларда "Темирга бойитилган унинг нони — саломатлик гарови" мавзуида видеороликлар намойиш этилди. Мавзуга доир плакатлар ва буклет ҳамда варақалар тарқатилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида филиалимиз ходимлари ўтган йилнинг ёз мавсумида тиббий ижтимоий патронаж тизимини назорат қилиш бўйича Нурота, Қонимех, Хатирчи, Навбахор, Кармана, Қўзилтепа туманларида бўлиб, ўрганиш натижаларида кўра, аҳолининг тиббий саводхонлик даражасини кўтариш зарурлиги, оммавий спортни риеллантириш, экологик ҳолат, оналар ва болалар саломатлигини ях-

Бугун — Кулги куни

ИЛАТНИНГ АДЗИ Хаживия

— Биласизми, муҳаррир ука, бир масала бор. Кўплар эътибор беришмайди. Парволари палак. Сиз ҳам бу тўғрида ўйлаб кўрмаган бўлсангиз керак. Шу масалани иккаламиз бамайлихотир муҳокама қилиб олсак, — деб гап бошлади бош муҳаррир хонасига шахд билан кириб келган Асрорхўжа. — Аммо ука, гапни энди бошлаганимда тилонингиз жиннингга, асабимга тегмас бўлди. Муҳаррир "а" дейишга улгурмаёк, Асрорхўжа стулга астойдил ўрнашди олди-да, давом этди: — Одамлар нима учун ичкиликка, кашандалликка, баъзи ҳолларда гийъандликка берилди? Гап шундаки, сизлар бепарвосизлар, миқ этмай тураверасизлар. Одамлар бўлса ўлкасини захарлаб, жигарини ишдан чиқариб, ошқозонини бузиб, буйрақларига зўр келтириб, қўзларини хира тортириб, оёқларини...

— Кечирасиз, — деди муҳаррир нокулай ахволда, — сиз шу ҳақда мақола ёзмакчимсиз? — Сўзимни бўлманг-да, ука, — деди Асрорхўжа нозир оҳангдан, — олдингизга бир көпкөпиз, охиригача эшитсангиз бўлармиди. — Хўш-хўш, қулгим сизда, — деди муҳаррир биров бўшашиб. — Қани айтинг-чи, ёшлар нима учун айниб кетишмоқда? Оғзидан она сuti кетмаган боланинг лабиди сизга. Носови отадинларни қанча Маҳалламизга келин тушувди, тўйнинг эртасига келин бола оғзидан носни куёвнинг башарасига туғлабди. Бу қанча бедодлик ўзи... — Жуда хунук иш бўлибди-ку, — бу антиқа сўхбатнинг тезроқ тугашидан умидвор бўлиб турган муҳаррир масалага оидинлик киритмоқчи бўлди, — мана шунақа ахлоқсизликларни қаламга олмакчи экансиз-да? Шунақами? Фикрингизни тушундим. — Кечирасиз ука, муҳаррир бўлсангиз ҳам айтиш — ҳеч балога тушунмадингиз, — Асрорхўжа энди очкичасига хўжуга ўтди. — Гап мақолада эмас. Нега шундай бўлганди, иллатингиз иллатингиз қаерда демокчман? Сизлар нега кара-а-б турибсизлар, иллатини нега қуритмайсизлар демокчман... Муҳаррирнинг пешонасидан ажинлар янада буртиб кетди. — Сал оширвордингиз, ака, биз... хар холда кара-аб ўтирганимиз йўқ, Ёзаяпиз, танкид қилаялмиз, жамоатчилик фикрини уйғотялмиз. Мана, яқинда... — Гапни айлантирманг, — Асрорхўжа бурнини муҳаррирнинг бурнига яқинлаштирди. — Уйғотялмиз? Нимани уйғотялмиз? Мана мен, жон куйдириб олдингизга келдим. Иллатингиз иллатингиз қаерда, нега бонг урмаялсизлар, масаланинг моҳиятини ўрганмаялсизлар, иллатингиз бола турмаялсизлар депман... — Уряпмиз, вақти-вақти билан уриб турибмиз. — Бунақа уриш кетмайди. Конкрет иш қилиш керак. Фикрингизни аниқ айтинг. Иллатингиз иллатингиз курсатинг. — Жон ака, мақсадингиз нима? — Ие, ҳали мақсадимни тушунганингиз йўқми? Мен, ахир куйиб-пишиб ёшларимизнинг тарбияси тўғрисида гапирялман. Кашандаллик, нашавадликка бепарво бўлмайлик, депман. Нима учун айрим ёшлар... — Тўхтанг, одамни қон қивордингиз-ку. Мақолангиз тайёр бўлса беринг, кўриб чиқайлик. Ёзмаган бўлсангиз, ёзинг... — Ёзинг? Кечирасиз, муҳаррирман деб дуч келган одамга буйруқ бераверар экансиз-да. Нима, мен огурад муҳбирингизманми? — Жон ака... — Нима жон ака? Битта гапимни охиригача эшитмайсиз. Бунақадан сиз билан гап...

Суд амалиётиндан маълумки, мулкка тажовуз қилувчи жиноятлар энг кўп тарқалган жиноятлардан саналади. Ўзгалар мулкка қарши қаратилган жиноятлар — босқинчилик, товланчилик, талончилик, ўғирлик, мулкни ўзлаштириш ёки расрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ва фирбарлик мулкка тажовуз қилишнинг усули ва воситалари билан фарқланади. Бу тур жиноятлар ичида энг хавфлиси босқинчилик жинояти, десак хато бўлмас. Босқинчилик жинояти жисмоний куч ишлатиш йўли билан мулк эгасининг соғлиги ва ҳаётига зиён етказиш орқали содир этилади.

Қонун чиғириғи

МУЛККА ТАЖОВУЗ

Афсуски, аксарият ҳолатларда босқинчилик жинояти муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилмоқда. Хўжайилик Т. Тангибергенов муқаддам бир неча бор судланиб, жазага тортилган. Аммо қилмишларидан пушаймон бўлиб, ҳаётини соғлом муносабатлар асосига қуриш ўрнига яна жиноят йўлини танлади. У шериги Қ. Бобожонов билан мўмай даромад орттириш пайига тушди. Жиноий шериклар такси ҳайдовчиларини кўриштириш орқали кўнғир ниятларига эришмоқчи бўлишди. Шу мақсадда Нукус шаҳар марказий бозоридан такси тўхташ майдончасига келиб, "Матиз" автомашинаси ҳайдовчисидан Тахиятош шаҳрига олиб боришни илтимос қилишди. Ҳайдовчи саккиз миң сўм эвазига уларни манзилга элтиб қўйишга рози бўлди. Йўлда Тимур чўнтагиндан ошпичини чиқариб ва ҳайдовчинини ўлдирди билан кўриштириб, айтилган жойга олиб боришни талаб қилди. Тахиятошда иши бир зумда битган жиноий шериклар Нукусга қайтишда машинани овлоқ жойда тўхтади, ҳайдовчинини олдинги ўриндиққа боғлашди. Унинг ҳамёнидаги 33 миң сўм пул, 100 миң сўмлик "Моторола" уяли қўл телефони, 93 миң сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмларини қўлга киритишди. Машинани Тимурнинг ўзи ҳайдаб, яна Тахиятошга қайтишди. Қўзланган манзилга етганда, ҳайдовчининг қўлини енчиб, ҳеч қарғар арз қилмаслиқни, акс холда ўлдиришларини айтиб, жуфтакни...



ростлашди. Руслан Бозорбоев мазкур автомобилни ижарага олиб, кирakashлик қиларди. У бўлиб ўтган воқеа ҳақида зудлик билан ИИБга хабар берди. Босқинчилар қўлга олиниб, суднинг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди. Ўғирлик азал-азалдан хавфли иллат саналади. Айниқса, таниш ёки қариндошнинг мулкни ўғирлик йўли билан қўлга киритишга уриниш шармандаллик ҳолатдир. 1986 йили Амударё туманида туртилган Файрат Сапаев мўмай даромад орттириш ниятида ўзганинг қўрққан Файрат молни ташлаб, қочиб қолди. Ички ишлар бўлимига келган ариза асосида қорамол эгасига қайтарилди. Файрат Сапаев жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди ҳукмига кўра, жавобгарликка тортилди. Тўртқўллик Ойбек Мадраимов қариндошиникига меҳмонга бориб, мезбоннинг 225 миң сўм пулини ўғирлаган бўлса, урганчилик Сардор Сапаев пул топиш мақсадида Беруний туман бозоридан киссаурилик билан шуғулланиб келган. Уларнинг ҳам қилмишлари фож этилиб, суд ҳукмига кўра жиноий жазага тортилди. Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан мулкка қарши қаратилган жиноят ишларини қўриш амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиб, тегишли хулоса ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бу баки жиноятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини кенг йўлга қўйиш чоралари қўрилмоқда.

Анажон РАЗЗОҚОВА, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари

ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сон қарорига асосан, бошқа шахсга берилиши тақиқланган ва хатлаб қўйилган автоматотранспорт воситаларининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича «Техник топшириқ» ва «Дастлабки техник-иқтисодий ҳисобни ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги энг яхши танлов тақлифларни қабул қилишни эълон қилади. Тақлифлар 2008 йил 15 апрелгача Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-ўй манзилда қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: (371) 236-17-33, 233-73-11. e-mail: info@minjust.gov.uz

Талқин

ОДИЛ СУДЛОВ МОҲИЯТИ

Суд бугунга келиб, жазоловчи эмас, тарбияловчи тизимга айланди. Жиноятга жазо муқаррарлиги, албатта, бор гап. Аммо ҳуқуқий маданиятни шакллантирмаган, қонунни билмаслигидан жиноят қўчасига кириб қолаётган ёшлар ҳам борки, уларнинг тақдирини ҳеч кимни бепарқ қолдирмаслиги керак. Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судида яқинда бир гуруҳ ёшларнинг жиноий хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилди.

Тергов материалларида қайд этилишича, 2007 йил 22 сентябрь куни Кумарик маҳалласи, Улугбек қўчасидаги 8-ўй олдида Жавохир Қурбонов қариндоши Зафар Тоштемуров ва Жамол Юлдашевлар билан ўзаро сўхбатлашиб турганларида, Холмурод Азизтоев ва Ражаб Уматовлар келиб, уларнинг сўхбатига қўшилишди. Сўхбат жараёнида Холмурод билан Ражаб эски гўшт бозори яқинидаги шлакблук цехида ишлаётганлигини, лекин пулнинг тайини йўқлигини айтишди. Буни қарангли, Жамол, Зафар ва Жавохирларни ҳам айнан шу муаммо — пул ташвишга солаётганиди. Хуллас, уювловчи ишсизлар қўярга-қўймай, Холмурод цехини кўрсатишни илтимос қилади. Кеч бўлишига қарамай, Холмурод йигитларни эргаштириб, цехга қараб йўл олади. Ва қалбидаги пинҳон ниятини амалга оширадиган пайт келганини тушунади. У цех ёнидаги омборхонага ишора қилиб, ичкарида қўлаб қозғоқ қутиларини борлигини, эгаси йўқлигини, агар уни олиб чиқиб сотса, мўмайгина пул бўлишини бола-ларга уқтиради. Гуруҳдаги ҳаммага пул керак. Шунинг учун ҳамма бунга рози бўлади.

Хуллас, бешовлон Холмурод ишлаб чиққан режа бўйича омборхона шахтаси орқали ичкарига киришиб, у ерда 2280 донна қозғоқ қутиларини ўғирлаб чиқишади. Бу қутилар тадгишли бўлиб, у буларни вақтинча ушбу омборда сақлаб келар, мол жойлашда фойдаланишни мўлжаллаб қўйган эди. Жиноий гуруҳ ўғирланган қутиларни ярим кечаси юк машинасига ортиб, Қўйлик бозоридан Ботир Сайдуллаевга 900 000 сўмга пуллашди ва ўзаро пулни тақсимлаб олишди.

Дарҳақиқат, суд ушбу жиноий гуруҳ ҳаракатига нисбатан ҳуқуқий баҳо берди. Хар ким қилмишига яраша турли мuddатларга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди ва Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Қарори 7-банди "а" қисми банди қўлланилиб, жазо ўқдан бир қисмига қисқартирилди.

Тергов материалларида ва суд ҳукмида ўз ифодасини топган шундай бир мулоҳазали ўрин борки, бу Жавохир Қурбоновнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ, Жавохир ўғирликка қўшилган бўлса-да, мавжуд қилмишнинг ярмини ўмарган ҳамтовокларига "Бўлди, етар эгасига ҳам қолсин", дейди. Зулматда милтиллаб турган шуъладек таассурот уйғотувчи бу гап, айнан Жавохирдан чиққанлигини барча бирдек судда таъкидлагани унинг қалбидан видон, аймон тушунчалари бутунлай барҳам топмаганидан, айна пайтда қилаётган ишдан моҳиятга кўра пушаймон бўлаётганидан дарақ бермайдими? Минг афсуски, Жавохир судга чақирилган бўлса-да, келмади. Жазодан қочибгина уриниш ҳам жиноят эканлигини, наҳотки Жавохир билмасми? Уни одил судлов кутаяпти...

Мана шу ўринда ҳуқуқий маданият тушунчаси бизни ўйлантириб қўяди. Ҳуқуқни билмаслик, баъзан билиб-билмасдан жиноий хатти-ҳаракатни содир этишга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун давлатимизда ёш авлод онгида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун бир қатор қарорлар ва қонунлар қабул қилинганки, булар келажак авлодлар йўлини ёритиб турғувчи маёқдир. Одил судловда ҳам жиноят қўчасига кириб қолган ёшларга жазо беришда жазонинг тарбиявий-ахлоқий томонларига кўпроқ эътибор беришисизнинг сабаби ҳам шунда.

НИЗОМ РУСТАМОВ, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди раиси, ШУКУР СОДИКОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Бухоро вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 18 мартдаги 9-сонли қарори билан Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан Саидова Гулбахор Мансуровна номига 1997 йил 25 июлда берилган ВН 000010-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2 (икки) ой мuddатга тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари, уюшмалари ва банклари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари диққатига! ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йилида битирувчиларни республика бўйича вилоятлар кесимида жойлашувини тақдим этади. Малакали ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёжи бор бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари йўланма бўйича ишга юборилишини сўраб, қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин. Маълумот учун телефон : 8 (371) 233-14-51, 8 (371) 233-60-92, Факс: (371) 233-37-48, (371) 236-15-23 , E-mail: tsij_devonxona@mail.ru Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-ўй, — Тошкент Давлат юридик институти.

Table with columns for university name, faculty, and regional distribution of graduates. Includes 'Тошкент Давлат юридик институти' and 'Тошкент Давлат юридик институти 2007-2008 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида маълумот'.

Эслатма: Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни мурожаат қилган корхона ва ташкилотларга қўшимча равишда тақдим этилади. Эслатма: Д — давлат гранти, Ш — шартнома

ИНСОН ва ҚОНУН. Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Буритон Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдулаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич, Маматов Шоди Суънович, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергенович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Исрол Ҳамзаевич. Индекс: 646882. МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-95-31.